O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
POP TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2021 - yil 27 - sentabr 297-6-84-Q/21 Pop tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2022 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 2-иловага тасдиқлансин.

2. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар *(кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади)* учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача 1001,8 нафар иш ўрнини ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

- ногиронлар учун 3,2 фоиз (317 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 3 нафар бўлганлиги сабабли, келгусида 314 нафар иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича олий таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича олий таълим олган битирувчилари учун 6,1 фоиз (609 нафар);

- ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 0,1 фоиз (15 нафар);

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,05 фоиз (5 нафар);

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 34 фоиз (0,3 нафар);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,2 фоиз (16 нафар);

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,05 фоиз (5 нафар) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

- сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

- ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган;

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

- жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган ;

- одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электрик, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул, ўқитувчи.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2022 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек,бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2022 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

- ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг

қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхонава муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган такилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлашни таъминлансин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Б.Хабибуллаев) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Туман ҳокимининг 2020 йил 16 ноябрдаги 1011-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор “Поп тонги” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Имомназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Султанов А.М.**

Поп туман ҳокимининг
2021 йил 27 сентябрдаги
297-6-84-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. М.Имомназаров- Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. Б.Хабибуллаев - Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. Э.Асқаров - Туман ҳокимининнг ўринбосари

4. О.Иноятов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби

5. А.Хусаинов - Туман Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

6. Н.Пўлатов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. У.Ғоффоров - Туман бандликка кўмаклашиш марказининг Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Поп туман ҳокимининг
2021 йил 27 сентябрдаги
297-6-84-Q/21-сон қарорига
2-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар

Р Ў Й Х А Т И

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлари сони		Шу жумладан														
					Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Пенсияюлди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралар кўллашлиларидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдосидан курбонлари учун	
					Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	
1	POP TUMAN XALQ TA'LIM BO'LIMI	66,0	6,6		2	3,0	4,6	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
2	POP TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI	32,0	3,2		1	3,1	2,2	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
3	Pop tuman madaniyat bo'limi-tuman madaniyat va aholi dam olish markazi	90,0	9		3	3,3	4	4,4	0	0,0	1	1,1	1	1,1	0	0,0	0	0,0	
4	"POPDONMAHSULOT" aksiyadorlik jamiyati	190,0	19		6	3,2	7	3,7	0	0,0	0	0,0	2	1,1	2	1,1	2	1,1	
5	"PAPFEN XO'RLITY KORXONASI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	200,0	20		6	3,0	7	3,5	2	1,0	0	0,0	4	2,0	0	0,0	1	0,5	
6	Pop tuman tibbiyot birlashmasi	1500,0	150		45	3,0	96	6,4	2	0,1	2	0,1	5	0,3	0	0,0	0	0,0	
7	Pop "Muruvvat" nogironlar uvuvi ярkaklar internat uйи	200,0	20		6	3,0	10	5,0	1	0,5	1	0,5	2	1,0	0	0,0	0	0,0	
8	"Parda Turсuv" mexnat davolanu sanatoriysi	180,0	18		6	3,3	8	4,4	1	0,6	1	0,6	2	1,1	0	0,0	0	0,0	
9	Pop tuman sanitariya-epidemiologik osoyishtalik markazi	65,0	6,5		2	3,1	2,5	3,8	0	0,0	0	0,0	2	3,1	0	0,0	0	0,0	
10	Pop ixtisoslashgan Davlat ўrmon xўjaligi	165,0	16,5		5	3,0	6,5	3,9	1	0,6	0	0,0	2	1,2	1	0,6	1	0,6	
11	Pop tumani davlat veterinariya bo'limi	30,0	3		1	3,3	1	3,3	0	0,0	0	0,0	1	3,3	0	0,0	0	0,0	
12	Pop tuman obodonlashtirish boshqarmasi	300,0	30		9	3,0	13	4,3	1	0,3	0	0,0	2	0,7	5	1,7	0	0,0	
13	POP TUMAN IRRIGATSIYA BO'LIMI	65,0	6,5		2	3,1	0,5	0,8	1	1,5	0	0,0	1	1,5	1	1,5	1	1,5	
14	"POPMAXSUSSUVPUDRAT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	65,0	6,5		2	3,1	0,5	0,8	1	1,5	0	0,0	1	1,5	2	3,1	0	0,0	
15	YTJ "POP TUMAN YO`LLARDAN FOYDA	100,0	10		3	3,0	2	2,0	1	1,0	0	0,0	2	2,0	2	2,0	0	0,0	
16	"QAMCHIQA VTOYOL" IYF UK	200,0	20		6	3,0	6	3,0	3	1,5	0	0,0	5	2,5	0	0,0	0	0,0	
17	"POP TUMANI AGROSERVIS MTP" mas'uliyati cheklangan jamiyati	65,0	6,5		2	3,1	0,5	0,8	1	1,5	0	0,0	2	3,1	1	1,5	0	0,0	
18	Hududiy suv tuшunuшot MFЙ Pop tuman бўлими	30,0	3		1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	2	6,7	0	0,0	
19	1-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
20	2-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
21	3-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
22	5-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
23	6-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
24	8-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
25	9-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
26	11-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
27	12-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
28	13-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
29	14-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
30	15-сонли МТТ	32,0	3		1	3,1	2,2	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
31	16-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
32	17-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
33	18-сонли МТТ	32,0	3		1	3,1	2,2	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
34	20-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
35	21-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
36	24-сонли МТТ	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
37	26-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
38	27-сонли МТТ	32,0	3		1	3,1	2,2	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
39	28-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
40	30-сонли МТТ	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
41	31-сонли МТТ	32,0	3		1	3,1	2,2	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
42	32-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
43	33-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
44	34-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
45	37-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
46	38-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
47	39-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
48	40-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
49	42-сонли МТТ	58,0	6		2	3,4	3,8	6,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
50	44-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
51	45-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
52	46-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
53	47-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
54	48-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
55	50-сонли МТТ	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
56	51-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
57	52-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
58	53-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
59	54-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
60	55-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
61	56-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
62	57-сонли МТТ	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
63	58-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
64	60-сонли МТТ	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
65	1-сонли мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
66	2-сонли мактаб	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
67	3-сонли мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
68	4-сонли мактаб	90,0	9		3	3,3	6	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
69	5-сонли мактаб	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
70	6-сонли мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
71	7-сонли мактаб	87,0	8,7		3	3,4	5,7	6,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
72	8-сонли мактаб	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
73	9-сонли мактаб	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
74	10-сонли ихтисослаштирилган мактаб	160,0	16		5	3,1	11	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
75	11-сонли ихтисослаштирилган мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
76	12-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
77	13-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
78	14-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
79	15-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
80	16-сонли мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
81	17-сонли мактаб	90,0	9		3	3,3	6	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
82	18-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
83	19-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
84	20-сонли мактаб	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
85	21-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
86	22-сонли мактаб	58,0	5,8		2	3,4	3,8	6,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
87	23-сонли мактаб	90,0	9		3	3,3	6	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
88	24-сонли мактаб	87,0	8,7		3	3,4	5,7	6,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
89	25-сонли мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
90	26-сонли мактаб	86,0	8,6		3	3,5	5,6	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
91	27-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
92	28-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
93	29-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
94	30-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
95	31-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
96	32-сонли мактаб	85,0	8,5		3	3,5	5,5	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
97	33-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
98	34-сонли мактаб	85,0	8,5		3	3,5	5,5	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
99	35-сонли мактаб	95,0	9,5		3	3,2	6,5	6,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
100	36-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
101	37-сонли мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
102	38-сонли мактаб	85,0	8,5		3	3,5	5,5	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
103	39-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
104	40-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
105	41-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
106	42-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
107	43-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
108	44-сонли мактаб	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
109	45-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
110	46-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
111	47-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
112	48-сонли мактаб	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
113	49-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
114	50-сонли мактаб	90,0	9		3	3,3	6	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
115	51-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
116	52-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
117	53-сонли мактаб	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
118	54-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
119	55-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
120	56-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
121	57-сонли мактаб	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
122	59-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
123	60-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
124	61-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	

125	62-сонли мактаб	30,0	3		1	3,3	2	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
126	63-сонли мактаб	90,0	9		3	3,3	6	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
127	64-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
128	65-сонли мактаб	58,0	5,8		2	3,4	3,8	6,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
129	66-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
130	67-сонли ихтисослаштирилган мактаб	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
131	69-сонли мактаб	65,0	6,5		2	3,1	4,5	6,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
132	70-сонли мактаб	60,0	6		2	3,3	4	6,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
133	71-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
134	72-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
135	73-сонли мактаб	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
136	11-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернат	100,0	10		3	3,0	7	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
137	16-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернат	85,0	8,5		3	3,5	5,5	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
138	7-болалар мусиқа ва санъат мактаби	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
139	8-болалар мусиқа ва санъат мактаби	33,0	3,3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
140	Поп тумани болалар-ўсмирлар спорт мактаби	57,0	5,7		2	3,5	3,7	6,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
141	"Баркамол авлод" болалар маркази	58,0	5,8		2	3,4	3,8	6,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
142	Поп тиббиёт коллежи	33,0	3		1	3,0	2,3	7,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	
	Жами	**10018**	**1001,8**		**317**	**3,2**	**699,8**	**6,1**	**15**	**0,1**	**5**	**0,050**	**34**	**0,3**	**16**	**0,2**	**5**	**0,0**	